

Энг яхши ёш дастурчилар учун “The best young programmer”

танловини ташкил этиш ва ўтказиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 июлдаги 609-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги низомига мувофиқ ҳамда мамлакатимизда ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодни рағбатлантириш, инновацион фаолликни ошириш, янги технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга кўмаклашиш ҳамда ёшларни инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилади.

1. Қуйидагилар:

Энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун “The best young programmer” танлови ташкил этиш тўғрисидаги низоми 1-иловага

Энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун “The best young programmer” танлов комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур танлов доирасидаги сарф-харажатлар ажратилиши “Lord Faktor” корхонаси томонидан таъминланади.

3. Мазкур танловни ўтказиш назорат қилиш “Lord Faktor” корхонаси раҳбари ҳамда UZFOR.UZ сайтига юклатилади.

Энг яхши мулк объектлари кчун “The best young programmer”

танлови тўғрисида

НИЗОМ

I. Умумий қондалар

1. Энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун “The best young programmer” танлови мақсади — енг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини мукофотлаш орқали ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодни рағбатлантириш, инновацион фаолликни ошириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга кўмаклашиш ҳамда ёшларни инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

2. Танловда қуйидаги номинациялар бўйича муаллифлар катнашишлари мумкин: енг яхши фойдали мобил илова яратувчиси, енг яхши веб-сайт яратувчиси, енг яхши телеграм бот яратувчиси.

3. Танловга тақдим қилинган баҳолаш ва ғолибларни аниқлаш учун шу соҳага онд мутахассислардан иборат танлов комиссияси ва номинация бўйича эксперт гуруҳлари шакллантирилади.

4. Танловнинг номинациялар бўйича эксперт гуруҳлари таркиби танлов комиссияси қарори билан тасдиқланади.

II. Танловга ҳужжатларни қабул қилиш.

5. Танловда иштирок этишни истаган шахслар танлов комиссияга қуйидаги ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим қилади:

-ариза

-тайёрлаган ишларидан намуна

-ўзи ҳақида маълумотлар

-танлов бўйича таёрланган иш материалларини архивланган ҳолда топшириш

6. Иштирок этиш учун ҳужжатлар ташкилотчилар томонидан берилган электрон манзил орқали 15.02.2021 гача қабул қилинади.

7. Қўшимча маълумотларни (+99)8 91-091-90-40. (+99)8 65-222-39-79 телефон рақамлари орқали олишлари мумкин.

IV. Танлов ғолибларини мукофотлаш

8. Танловда ҳар бир номинация бўйича совринли 1-3 ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари қуйида кўрсатилган миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

а) Энг яхши фойдали мобил илова яратувчиси номинация бўйича:

1-ўрин-3 500 000 сўм;

2-ўрин-2 500 000 сўм;

3-ўрин-2 000 000 сўм;

б) Энг яхши веб-сайт яратувчи номинацияси бўйича;

1-ўрин-3 000 000 сўм;

2-ўрин-2 000 000 сўм;

3-ўрин-1 000 000 сўм;

с) Энг яхши телеграм бот яратувчи номинацияси бўйича;

1-ўрин-2 500 000 сўм;

2-ўрин- 1 500 000 сўм;

3-ўрин-1 000 000 сўм;

9.Мукофотлаш танловда ғолиб бўлган иштирокчиларнинг ҳисоб-рақамларига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

V.Танловни ўтказиш муддатлари ва босқичлари

10.Танловга иштирокчиларнинг ҳужжатлари танлов комиссияси томонидан 2021 йилнинг 5 февралдан 15 феврал кунига қадар онлайн қабул қилинади.

11.Танлов натижалари ғолибларни тақдирлаш маросими ва мукофотлаш бўйича тадбирлар 26-апрель Халқаро интеллектуал мулк куни арафасида ўтказилади.

12.Танлов натижалари LordFaktor.uz ва UZFOR.UZ сайтида эълон қилинади.

Lord Faktor МЧЖ корхона рахбари

UZFOR.UZ сайти рахбари



Х.Рафиев

С.Эрназаров